

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ТИЗИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. ИИВ Академияси,

Давлат-хуқуқий фанлар ва инсон хуқуқларини

таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант.

Илмий мутахассислиги: 12.00.13 – Инсон хуқуқлари.

ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли. Преподаватель

кафедры государственно-правовых дисциплин и

защиты прав человека Академии Министерства

внутренних дел, старший лейтенант. Научная

специальность: 12.00.13 - Права человека

. ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Choriyev Mahmudjon Ahmad o'g'li. Teacher of

the Department of State-legal disciplines and ensuring of

human rights of the Academy of the Ministry of Internal

Affairs, senior lieutenant. Scientific specialty: 12.00.13 Human rights.

ORCID: 0000-0003-3990-1191.

Аннотация.



Мақолада Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилишда давлат органларининг роли, Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ахамияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсман институтининг ўрни, Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилиш ва келгуси чоралар бўйича миллий институтлар фаолиятини белгилаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти, Миллий превентив механизм қийноқларни олдини олиш механизми, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдаги ролини янада ривожлантиришнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: “ҳуқуқ” ва “эркинлик”, Омбудсман, инсон ҳуқуқлари, БМТ, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, “миллий институтлар”, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “инсон ҳуқуқлари бўйича устав”.

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари тизими шаклланди. Бу тизимда анъанавий судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан иборат бўлган судлов органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотларидан иборат бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлари ҳам шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг адлия органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимида муҳим аҳамият касб этиб, анъанавий тарзда ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига киради.[1] Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонунлар ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсаддага йўналтирилган ишлар амалга

оширилмоқда. Вазирликнинг бевосита иштирокида инсон ҳукуқларини, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг самарали механизмлари яратилди, ҳукуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий қилинди.

Мамлакатдаги инсон ҳукуқларини таъминлаш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш орқали давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш орқали уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг қабулхоналари тадбиркорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг қонуний ҳукуқлари ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур қабулхоналар, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, банк кредитлари ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш ва бошқа масалалардаги тўсиқларни бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Инсон ҳукуқларини Ўзбекистон Республикасининг суд органлари орқали ҳимоя қилиш инсон ҳукуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг таркибий ва ҳал қилувчи қисмидир. Чунки, суд бузилган инсон ҳукуқлари ва эркинликларини тиклаш тизимида энг муҳим восита ҳисобланади. Ҳар бир шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини суд томонидан муҳофаза этилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатларидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади[2] деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими давлат ҳокимиятининг анънавий тизими сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштироки беқиёс ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга риоя этиш устидан назорат қиласиган давлат органи бўлган прокуратура нафақат давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини, балки инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Айнан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимида киради. Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларига конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мулкини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар хил жиноий тажовузлардан ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларнинг қисқа фурсатда тўлиқ очилишини таъминлаш, жиноятни содир этиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш, паспорт тизими фаолиятини таъминлаш (фуқароларга паспорт берилишини, уларнинг рўйхатдан ўтиши ва чиқишини, визаларини расмийлаштириш), йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарлик ва жиноий жазоларни бажарилишини

таъминлаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, фуқаролар томонидан ўқ отар қуролларни сотиб олиш, сақлаш ва олиб юриш тартибини назорат қилиш ва расмийлаштириш каби кўплаб вазифалар киради.

Ўзбекистонда инсон хукуқлари бўйича миллий институтлар тизими таркибиغا Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман)[3], Президент хузуридаги тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман)[4], Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази институтлари киради. Уларнинг фаолияти биз олдинги мавзуларда кўриб чиқсан инсон хукуқлари бўйича халқаро андозалар ва илгор хорижий тажриба асосида ташкил этилган ва доимий равишда такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуқлари бўйича вакили (омбудсман) фуқаролар хукуқларининг беғараз ва инсонпарвар ҳимоячисидир: у инсон хукуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган хатоликларни тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қиласди, фуқароларнинг хукуқлари тикланишига ёрдамлашиб, инсон хукуқларининг жиддий равишда бузилишига сабабчи бўлган шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия қилишга ҳам ҳақлидир. Омбудсманинг минтақавий вакиллари 2000 йилдан буён Ўзбекистоннинг барча минтақаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар фуқароларнинг келиб тушган мурожаатлари бўйича жойларга, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларига ҳам чиқиб, ўз текширувларини амалга ошириш, яна шунингдек, тегишли минтақалардаги Халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида жойлардаги инсон хукуқларига риоя этилиши бўйича ахборотларни тақдим этиш йўли билан Омбудсман ишининг самарадорлигини анча кучайтирмоқда. Бугунга келиб, Омбудсман хузурида Бола хукуқлари бўйича омбудсман институти ҳам жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсмен) тадбиркорларнинг давлат томонидан белгиланган хуқуқлари ҳимояси учун хизмат қиласди. Президент хузуридаги тадбиркорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг вазифалари ва ҳуқуқлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлар фаолияти текшируvida уларни қонуний томонлама қўллаб-куватлаш, тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга даъво аризалари бериш, уларнинг фаолиятини мониторинг қилиб боришдан иборат. [4]

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлари орасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ва миллий идоралараро мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маъruzalар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади. Марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади. Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади. Марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича кўмаклашади.[5]

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига 2019 йилда Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олишга доир Миллий превентив механизмини жорий этиш билан боғлиқ (2019 йил 14 марта қабул қилинган ЎРҚ-530-сонли Қонун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ушлаб турилган ва ҳибсга олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум қилинган шахслар Омбудсманга ёзма шаклда сони чекламаган тарзда мурожаатлар (хатлар ва телеграммалар) юбориш ҳуқуқига эга. Омбудсман номига йўлланадиган мурожаатлар цензура қилинмайди. Жазони ижро этиш муассасалари, қамоқда сақлаш жойлари ва маҳсус сақлаб туриш жойларининг маъмурияти қамоқда сақланаётган шахсларнинг мурожаатларини муҳрланган ҳолда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, телеграммаларни эса зудлик билан юборади. Омбудсманнинг жавоби кўриб чиқилмайди ва у мурожаат этувчига дарҳол етказилади.

Омбудсман фуқароларнинг шикоятларини, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини ўз ташаббуси билан кўриб чиқаётганда жазони ижро этиш муассасаларига, қамоқда сақлаш жойларига ва маҳсус сақлаб туриш жойларига монеликсиз ташриф буориш ҳуқуқига эга. Мазкур муассасалар маъмуриятлари Омбудсманга ушбу муассасалар ходимларининг уларни кўришга имкон берадиган, аммо эшитишга имкон бермайдиган шароитда қамоқда сақлаб турилган маҳбуслар билан монеликсиз ва маҳфий учрашувлар ҳамда суҳбатлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари шарт.

Шунингдек, ушбу нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида, “Жиноят ишини юритиш жараёнида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида[6] ва бошқа норматив-ҳукуқий хужжатларда ҳам келтириб ўтилган.

Халқаро-ҳукуқий хужжатларни ва Миллий превентив механизмни ривожлантириш соҳасидаги хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш мақсадида Омбудсман ЕХХТ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, БМТ ИҲОКБнинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ҳамда “Халқаро қамоқхоналарни ислоҳ қилиш” ХННТнинг ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги тадбирларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 9 200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва таълим соҳасидаги мақсадларга эришишда муҳим ролни бажармокда.

Ўтган даврда мамлакатда фуқаролик жамияти мустақил институтларини мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқиндан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очик, шаффоф ва ошкора фаолиятни амалга оширишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан ҳақиқий жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида комплекс ва тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Бош вазир қабулхоналарининг фаолияти ташкил этилди.

Мамлакатнинг ҳар томонлама ва шиддат билан ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини

кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Маслаҳат кенгаши тузилди. “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилди, жойларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари” ташкил этилмоқда.

Давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахлдор барча норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси билан келишишнинг мажбурийлиги кўзда тутилган.

Ҳар бир давлат органи, жумладан хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлклари ҳузурида жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзgartиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш механизmlарини батафсил регламентация қилиш, уларни амалиётда самарали қўллаш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини яхшилаш чоралари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 30 октябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Фуқаролик жамиятини

ривожлантириш маркази қайта ташкил этилди. Марказ ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маъruzани Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашига кўриб чиқиши учун киритиши, ўз навбатида, Маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериши белгиланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2018 йилдаги “Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги фаолиятини янада тacomиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, ПҚ-3666-сон <https://lex.uz/docs/3681790?ONDATE2=29.01.2022&action=compare>
 2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.2023 йил.
<https://lex.uz/docs/6445145>
 3. Ўзбекистон Республикасининг 27.08.2004 йилдаги “Олий Мажлиснинг инсон хуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни, 669-II-сон.
<https://www.lex.uz/docs/276159>
 4. Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги тадбиркорлик субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-440-сон. <https://www.lex.uz/docs/3321352>
 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.12.2018 йилдаги “Инсон хуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини тacomиллаштириш тўғрисида”ги қарори, ПҚ-4056-сон.
<https://lex.uz/docs/4098056?query=%D0%98%D0%>
 6. <https://www.lex.uz/acts/1876877>